



Келгусида олиб бориладиган археологик казишмалар ва тадқиқотлар деворларида безаклар сақланиб қолган ушбу иншоотнинг дастлабки вазифасини янада аниқроқ белгилаш имконини беради.

ТОШКЕНТ, 27 август — Sputnik. Қашқадарёдаги Бобуртепа ёдгорлигида археологлар ноёб деворий расмларни аниқладилар. Бу ҳақда Маданий мерос агентлиги матбуот хизмати хабар берди.

«Қашқадарё вилояти Камаши туманида жойлашган Бобуртепа археологик ёдгорлигида олиб борилаётган археологик казишмалар жараёнида қадимий иншоот қолдиқлари, шунингдек, деворий расмларнинг ноёб намунаси аниқланди», — дейилади хабарда.

Иншоот хоналаридан бирининг ғарбий деворидаги лой сувок устига лолалар ва оқ гуллар тасвирланган. Гуллар тасвири кизил рангдаги ингичка, тўлкинсимон чизиклар билан безатилган. Кейинчалик деворий расмлар усти оқ оҳақли сувок қатлами билан қопланган.

«Бинонинг маҳабатли ва калин деворлари, шунингдек, унинг сақланиб қолган безак элементлари мазкур иншоот милодий IV–V асрларда ибодатхона ёки бошқа диний маросимлар ўтказиладиган иншоот сифатида фаолият юритган бўлиши мумкинлигини тахмин қилишга имкон беради», — дейилади хабарда.

Археологик тадкикотларни Археология институтининг Самарканд филиали ходими Санжар Абдурахимов олиб бормокда.

Унинг сўзларига кўра, келгусидаги археологик казишмалар ва тадкикотлар иншоотнинг дастлабки вазифаси, унинг меъморий тузилиши ҳамда тарихий ахамиятини янада аниқроқ белгилаш имконини беради.

Абу Муслим (профессор) тайёрлади